

Халқаро андозалар даражасида

“Ўзстандарт” агентлигида Марказий Осиёда метрология, аккредитация, стандартлаштириш ва сифат борасида минтақавий ҳамкорликка бағишланган икки кунлик анжуман бўлиб ўтди. У ЮСАИД/Прагма корпорацияси дустури доирасида ўтказилди. Мазкур тадбирнинг мақсади метрология, аккредитация, сертифицикатлаштириш, стандартлаштириш ва сифат соҳасида техник ҳамкорлик бўйича расмий ташкилот тузиш /МАС-К/ ҳамда Англашув тўғрисида меморандумни имзолашдир.

Анжуманда таъкидланганидек, ҳозирги вақтда стандартлаштириш мамлакатлар иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлиги, алоқаларни кенгайтиришнинг ташкилий асоси, халқаро савдода техник тўсиқларни бартараф этишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида маҳсулотлар ва хизматлар сифатини оширишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз раҳбарияти

нинг бу борадаги сиёсати иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва дунё иқтисодий ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 3 октябрда қабул қилинган “Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертифицикатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунинг ёрқин мисолидир. Мазкур қарор Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицикатлаштириш агентлиги — “Ўзстандарт” фаолиятини тартибга солиди.

“Ўзстандарт” агентлиги олдинги кўрилган вазифаларни бажариш учун салмоқли ҳуқуқий асос ҳам бор. У республикамизнинг маҳсулотлар ва хизматларни сертифицикатлаштириш, стандартлаштириш, метрология, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонунларини ҳамда агентлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор қонуний ҳужжатларини ўз ичига олади.

Мамлакатимизда тайёрланган маҳсулот сифатини, рақобатбардошлигини оширишнинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз стандартлари талабларини халқаро андозаларга мослаштиришдир.

Анжуманда Минтақавий кооперацияга аъзо ташкилотлар учун метрологик ва таъмирлик дастури муҳомада этилди. Минтақавий кооперациянинг Марказий Осиёдаги миссияси МАС-К келишиб олинди. Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари, молияланиши, аъзолиги, бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлиги йўллари белгилаб олинди.

Н. Усмонова,
ЎЗА мухбири.

Ислохот ва самара

Экспорт — юрт кўзгуси

Буни “Ўзметабазавотузумсаноат-холдинг” компанияси фаолияти исботламоқда

Мамлакатимизнинг иқлим ва табиий шароити турли хил мева, сабзавот, полив ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга ниҳоятда қўлай. Айниқса, Қунарийн анови, Фарғонанинг ўрни, Хоразмнинг қовуни, Наманганнинг ноки, Самарқанд ва Паркентнинг майисини хорижда ҳам яхши билишлади. Шу бонус юртимизда битган ана шундай табиат инъомларининг бир қисми чет элга ҳам экспорт қилинади.


Илгари ҳам ҳўл ва қуруқ меваларининг бошқа давлатларга қалдралган. Уларни савдогарлар олиб бориб сотишган. «Ҳўш, ҳозир бу борада аҳвол қандай, белгиланган топириқлар бажарилаётми, хорижда қандай маҳсулотлар ҳўнатиламоқда?». Мазкур вазира билан беосита шўвуллашганимиз “Ўзметабазавотузумсаноат-холдинг” компанияси мутахассисларининг маълумотларига қўра, ўндан ортик турдаги маҳсулотлар четга экспорт қилинмоқда. Масалан, табиий ҳол-

даги мева ва сабзавотлар билан бирга, улардан саноат усулида қайта ишланган томат пастаси, концентрат қилинган ва табиий шербатлар, мева консервалари, қуруқ мевалар ҳўнатилаётми. Бу борада белгиланган режалар ортинги билан ушбу маҳсулотларни экспорт қилиш бўлиб келмоқда. 2002 йил 8 миллион 429,1 минг АҚШ долларини миқдордаги маҳсулот экспорт қилинган. Экспорт ҳажмида, айниқса, томат пастаси, қуруқ мева ва вино маҳсулотлари кўпайди. Бундай ютуққа мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, таъбиркорлик билан иш юритиш тўғрисида эришилди. Илгари белгиланган режалар ярим йўлда қўлиб кетар, топшириқ умуман бажарилмасди. Компания экспорт ҳажмини ошириш учун, аввало, хомашини тайёрлашга, яъни хил далада сифатли, турли хил витаминларга бой ҳолда етиштиришга асосий эътиборини қаратмоқда. Кейинги пайтда мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилди. Ма-

салан, сабзавотчиликда саноат-ағбоб, серҳосил уруғ танлаш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, етиштирилган маҳсулот ҳақи учун олинган аванс бериш йўлга қўйилди.

Узумчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш борасида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тизимга қарашли хўжалиқлардаги қариган ва кам мева берилган дархат ва тоқлар олиб ташланиб, ўрнига мўл ҳосил берилган навлар ўтказилмоқда. Беш йил итди 10 минг гектар майдонда қимматбаҳо ва винобои ҳисобланган “Соқки”, “Рислинг”, “Пино”, “Каберне”, “Сапарави”, “Хиндоголи” ва “Ркаителли” каби навларни экиш режалаштирилган. Бундан ташқари, келгусида 5 минг гектар ердаги боғларни қайта тиклаш кўзда тутилмоқда. Утган икки йилда эса 2682 гектар ера боғ ва 2043 гектарда узумзор барпо этилди.

(Давоми 2-бетда).



Ишларни истаган имкон, истамаган бяхона қидиради, дейишади. Ҳақ гап. Пойтахтимиздаги “ПГС” хусусий фирмаси ходимлари буни ўз фаолиятлари давомида исботламоқда. Мазкур фирма маҳаллий хомашдан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган махсус кичик новвойхоналар, рўзгор учун зарур бўлган электротехник асбоб-ускуналар ишлаб чиқараётми. Эътибори томони шундаки, сифатли ва арзон бўлган “ПГС” маҳсулотлари нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг энг чека вилоятларида ҳам ўз ҳаридорларини топади.

Истеъмолчи, ҳуқуқингизни билинг

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни

23-модда.
Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш
Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқилган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.
Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайди.

Пойтахтимизда

ДЕКЛАРАЦИЯ ВАТАНПАРВАРЛИГИМИЗНИ СИНОВДАН ЎТКАЗАДИ

Президент Ислам Каримовнинг “Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини бошқича-бошқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ “Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига тақдим этилган эди. Олий Мажлиснинг иккинчи чакриқини ўзинич сессиясида Президентимиз ушбу лойиҳа хусусида тўхталиб, унда қайд этилган масалалар ниҳоятда ноизқилиғини инобатга олиб, қонун жамиятимизга нима учун кераклигини фуқароларимизга батафсил тушунтириш, мукамал ҳолга келтирилган учун қабул қилиб бўлмаганини уқтирган эди.

Айтиш жоғизки, даромадларни декларациялаш тизимини жорий этишда солиқ идоралари томонидан фуқаролар конституцион ҳуқуқларини поймол қилмасдан, уларнинг фаолиятларига бесабаб аралашмасдан ҳар бир фуқаронинг даромадлари ҳақидаги маълумотлар базаси ва бу даромадларнинг қонуний йўллар билан олинганини назорат қилиш механизми яратилди.

Декларациялаш моҳияти жиҳатдан фуқароларни жамияти таъминларида мос бўлиб, фуқаролар ўз даромадлари ҳақида маълумотини солиқ органига ихтиёрий равишда тақдим эти-

шига асосланади. Солиқни ўз вақтида тўлаш ҳам аслида юрт фаровонлиги йўлида ҳар бир фуқаро амалга ошириши зарур бўлган бурчлардан биридир. Шундай экан, декларация ола юртимизга бўлган муҳаббатимиз қай даражада эканини синовдан ўтказувчи механизм вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси томонидан ушбу тизимнинг мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Республикаимизнинг барча шаҳар ва туманларида жамоатчилик орасида учрашув ва семинарлар ташкил этилиб, солиқ хизмати ходимлари томонидан декларациянинг жамиятимиз тарраққетидаги аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаётми.

Шу йўналишдаги тадбирлардан бири Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлиб ўтди. Олий Мажлис, аслида, молия, ички ишлар, солиқ идоралари вакиллари ва маҳаллар оқсоқоллари иштирок этган семинарда декларация хусусидаги Президент Фармони ва қонун лойиҳаси хусусида батафсил маълумотлар берилиб, мавзу бўйича саволларга жавоб қайтарилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Жойлардан хабарлар

Фойдали семинар

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг ўқув марказида касаба уюшмаси мутахассислари учун уч кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Қоракандиёгон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари мутахассислари иштирок этдилар.

Маҳаллий хомашё ҳисобига

«Қаршитермопласт» заводидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бугунги кунда нафақат Қашқадарёда, балки республика миқёсида талаб ортиб бормоқда.

Ҳамкорлик самара бермоқда

Навоий давлат педагогика институтида хориж тилларини ўқитиш тобора такомиллашиб бормоқда. Бунда Америка Қўшма Штатлари «Тинчлик корпуси» (кўнгилди ўқитувчиларининг) амалий ёрдами сезилиб турибди.

Кичик корхонадан — қўшма корхонага

Хатирчи туманидаги «Хунарманд» кичик корхонасининг доғруги Ўзбекистондан ошиб олис Германияга ҳам етиб борди. Бу ерда асосан ўзбек пахтасидаги тўқилган матолардан турли хил трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади. Энг асосийси, барча жаран шу ернинг ўзида бажарилади.

Энг яхши совға — китоб

Қашқадарё вилоятида ҳар ойнинг биринчи шаббаси таълим муассасалари кун деб эълон қилинди. Шунга мувофиқ 1 март кунини Чироқчи тумани корхона, ташкилотлар, хўжалиқлар раҳбарлари ўзларини бикритилган мактабларга бордилар. Шу кун ортиқ ташкилотлари раҳбарлари энг аълочи ўқувчиларга 211 минг сўмлик, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари эса 151 минг сўмлик китоб тўхта этдилар.

М. УРМОНБЕКОВА.

Н. РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маърифат соати

ТАНҚИД ЗАРБИ

У қаттиқ теккани билан ҳар қандай жароҳатни тез тuzатади, муаммоларни бартараф этади, камчиликларга малҳам бўлади

Танқид қор ёғиндан олдин бўладиган изғиринга ўхшаб, аввал юзни ачиштирилади, сўнг кўзни ёшлати, қўлоқ эса музлаганда турган шолғомнинг ҳолига тушади. Нафас олаётганда аччиқ қалампирни ҳидлаётгандай томоғингиз қичишади. Бу ҳолат танқиднинг нишонига текканини кўрсатади.

Тўғри ва ҳалол танқидни чидаганга чиқарган. Чунки адолатли танқид тигига чидасангиз, бардош берсангиз, ўз хато ва камчиликларингизни чуқур англаб етсангиз, ҳаммаси ўстир кетади. Худди жароҳ тиги билан жароҳат тuzалгандай...

Икки кундош бир-бири билан чиқишолмаганидек, танқид билан мақтов ҳам унчалик келишолмайди. Лекин ҳар иккаласи ҳам меъёрида ишлатилиб, ўз ўрнида қўлланилса, энг ўткир малҳам вазифасини ўтайди. Немис файласуфи Артур Шопенгауер айтганидек: “Меъридан ортик берилган доридан наф бўлмагани сингари, адолат меъёри чегарасидан чиққан дашном ва танқиддан наф йўқ”. Демак, ҳамма гап меъёрда!

Аслида, танқид маданиятнинг ёрқин ва жуда муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Маданият билан қилинган танқид қилдиганлар бор. Масаланинг моҳиятини англаб-англамай, мавзуну билиб-билмай танқид отига қамчи урадиганлар ҳам сероб. Шахсий манфаат ёки гаразгўйлик билан танқидга зўр берадиганлар ҳам бор. Ном ортириш учун танқидни қуролга айлантирганлар ҳам йўқ эмас. Энди, юрганга-турганга, оиласида, давлатда, қўйингиз, ҳар қандам фақат ўзини доно санаб, бошқаларни “пуф сасиқ” деб танқид қилдиганлардан Худо асрасин!..

Собиқ шўро тузуми даврида танқиднинг арамас ва жирик усуллари кўп эди. Бировни бадном қилиш ёки йўқотиш лозим бўлиб қўлса, дарҳол ёлланган гуруҳбоз танқидчилар энг шимариб ишга киришарди. Танқидга учраган шўрлик то юрагини чағаллаб йиқилмагунча танқиднинг захарли ўқлари бир лаҳза тинмасди. Бундай ашаддий гуруҳбозлар пок ва ҳалол бир номни обдон булғагач, мамнуният билан “Следующий!”, деб турарди. Уларнинг дастидан ўлиб ҳам қутулиб бўлмади.

Хуллас, тоталитар тузум даврида компартия танқид қилиб, компартия ишдан олиб, компартия кишан соларди. Вақти-соати етгач, тавба-таъзаррингизни эшитгач, “меҳрибонлик” қилиб, яна компартиянинг ўзи оқларди. Бош танқидчи партиянинг ўзи эди. Ҳар қандай оламни бадном қилиш учун истаган пайтда партия танқидни шафқатсизлик билан уюштири олиш қудратига эга эди. Танқид ёвуз қараш қилими, тамом, унинг исканжасидан ҳеч ким, ҳеч қачон қутулолмасди. Танқид мурватидан асосан “политбюро”дагилар унумли фойдаланарди. Қўрқув салтанатига асосланган тузум парчаланиб кетгач, унинг зулмга асосланган танқид усуллари ҳам барҳам топди. Компартиянинг ўзи даҳшатли танқидга учраб, бадном бўлиш билан бирга, тўғриси, танқидга ем бўлди. Ҳар қандай қўрқув ва зулм салтанатига қурилган жамият охири-оқибати шўро каби ҳақиқат танқидининг тигига учраши муқаррар!

Мустақиллик тўғри ва ҳалол танқид учун қатор имкониятларни очайтир. Энг аввало, одамнинг қалр-қимматини, шаънини нотўғри, фарзли танқиддан ҳимоя қилиш қатор қонунлар орқали белгилаб қўйилди. Лекин бу фойдали, жамият тараққети учун қимматли булган ҳалол танқиддан олис масофа орқали четлаб ўтиш дегани эмас. Тўғри ва ошқора танқид ҳамма жамият учун зарур. Ушбу демократия ривож топган мамлакатларда ҳам танқидий мулоҳазалар билдирилади, давлат ва халқ манфаатига хизмат қилдиган фикр рўй-рост айтилади. Буни китоблар, матбуот орқали биламиз.

Президентимиз ўзининг кўпгина нутқ ва маърузаларида тўғри ва ошқора танқид ҳамма зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди. Кўп соҳаларда айнан ҳақиқий ҳалол танқиднинг йўқлигидан куюноб гапирлади.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ёзганидек: “Танқид ва ошқоралиқ тўхтаган жойда мамналик бошланади. Мамналикнинг акиси — фақлат, амалиси — жаҳолат, тоғаси — беписандлик, фарзанди — зулм, набираси — истребод бўлади”. Аслида, танқид шарпаси кўринмайдиган жой — кўлмакни эслатади. Қўлмақзорда қандай аянчи манзаралар ҳосил бўлишини таърифлашга ҳожат йўқ. Шундай экан, ошқора ва тўғри танқиддан асло чўчимаслик керак. Ўз маҳалласидаги мавжуд камчиликни бекитган оқсоқол, хўжалиқдаги жиддий муаммоларни ошқор этмаган раҳбар, тумандаги мавжуд аҳволни очиб-ойдин гапирмаган ҳоким — танқидни хуш кўрадими? Йўқ, албатта! Ёки ҳамма кўриб-билиб турган камчилик ва муаммоларни жиддий танқид оҳангига айтган оддий ҳодимнинг аҳволи нима кечди? Хали-ҳануз айрим жойларда тўғри танқид учун танқид қилиш, ҳатто уч олиш ҳоллари, афсуски, чўраб турибди. Начора, танқид асал эмаски, ҳаммага битчдек ёқса, Баъзан оддий мулоҳазани, жиддий гапни танқид деб тушунадиган ҳождил тоифа ҳам борки, бундайлар дарҳол ёқандан олиб, “Нега танқид қилсан?”, деб бўға бошлайди. Ёки змидан ўч олишга киришади. Ошқора танқид учун турли бало-қазоралар учраш, жамоа ёки маҳаллада номи ёрмон отликка чиқиб ҳеч гап эмас.

Шу ўринда ҳалол ва ошқора танқидни изчил йўлга қўйишда радио, матбуот ва телевиденининг вазифалари юксаклигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Энг асосийси, танқид тигини шахсий манфаат ёки гаразгўйликка қаратмасликда. Танқид қаламининг кучи ўч олиш воситасига айланмаслиги, фитна кўзғамаслиги керак. Шунда жамият тараққети, инсоннинг маънавий тарбияси учун ҳақодай зарур бўлган ошқора ва ҳалол танқид учун кенг йўллар, имкониятлар очилади. Ислохотларга жиддий тўсиқ бўлаётган, ривожланиш жараёнини орқага тортаётган айрим жароҳатли ўринларга танқид, шубҳасиз, малҳам бўлади.

Ашурали Жўраев.

Экспорт — Юрт кўзгуси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Корхоналардаги дастхўрлар босқичма-босқич хоржуннинг замонавий асбоб-ускуналарига алмаштирилганлиги бош ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ошмоқда. Бу, табиийки, экспорт ҳамини кўпайтириш имконини берапти. Мисол учун, «Шахрисабзконсерва», «Галзент», «Наманганконсерва» ҳиссалорлик жамиятлари ва «Маҳмуд Саид» қўшма корхонасига Италиядан замонавий линиялар олиб келиб ўрнатилди. Янгийўл, Галзент ва Каттақўрғондаги консерва заводларида эса АКШнинг «Тексун» фирмаси технологик линиялари ёрдамида мева қиёмидан болалар тамолари ва консервалари ишлаб чиқарила бошланди.

Шунингдек, Наманган, Қўқон, Урганч шаҳарларидаги ҳиссалорлик жамиятларида ва Тошкентдаги шампань заводларида соатига олти минг шиша спиртли ичимликларни қалқоқлаш қувватига эга бўлган линиялар Германиядан олиб келиб ўрнатилди. Умуман, ўтган даврда экспортга

жўнатилаётган маҳсулотлар миқдорини ошириш мақсадида 56 миллион АҚШ доллари миқдорига чет эл сармоиси жалб қилинди. Айни пайтда бу борадаги ишлар давом эттириляпти.

Шу билан бирга, Буюк Британия билан ҳамкорликда Шахрисабз консерва заводи негизда «Меваалар камали» Андижон консерва заводида «Андижон дурдонаси» қўшма корхоналари ташкил этилди. Уларда йилга 11 миллион дон пакет мева шартблатларини қалқоқлаш қувватига эга бўлган импорт ўрнатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган. Россиянинг «Балтимор» фирмаси кўмагида бунёд этилган «Балтимор-Челек» қўшма корхонасида эса кечуплар тайёрланапти.

Кўриниб турибдики, компания таркибиде экспортга маҳсулот жўнатувчи корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бундан уч йил муқаддам уларнинг сони 18 та бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 36 тага ташкил қилди. Ҳамдустлик давлатлари бозорини ўзининг жаҳон андозалари талабларига жавоб бер

радиган маҳсулотлари билан эгаллаган Италия, Франция, Испания, Австралия, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Болгария, Эрон, Туркия ва Хитой каби мамлакатлар билан рақобатлашиш учун Россия Федерациясининг Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Нижний Новгород, Самара, Уфа, Чита, Томск, Омск, Қозон ва бошқа шаҳарларида 19 та савдо уйлари очилди.

Маҳсулотнинг ташқи кўриниши, дизайнини яхшилаш, уни дунё талаблари даражасига етказиш учун компания хузурида тажрибали расом ва мутахассислардан иборат бадиий кенгаш тузилган. Улар тизимли равишда корхоналарни замонавий ёриқлар билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқдалар.

Ҳозир тан олиш керак, мамлакатимизда фойдаланилаётган консерва ва спиртли ичимликлар ишчилари жаҳон андозалари талабларига жавоб бермайди. Шу боис маҳсулотларнинг ташқи кўриниши, уларнинг бежиримлиги хоржилик харидорларнинг эътиборини унчалик тортмайди. Компа-

ния ушбу муаммони ечиш мақсадида пойтахтимизнинг Сергелга туманида чет эл сармоиси ҳисобига қиймати 25,3 миллион еврога тенг бўлган, дунё андозалари талабларига жавоб берадиган, замонавий идиш ва шишалар ишлаб чиқариладиган корхона қуришни жорий йилда бошлашни режалаштирган. У Германиянинг «Хайе Глас» фирмаси томонидан бунёд этилиб, йилга 124,6 миллион дон маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Шунингдек, Янгийўл шаҳрида қиймати 2,51 миллион еврога тенг бўлган, йилга 50 миллион дона хоржуннинг «Твист-Офф» русумидаги қопқоқлар ишлаб чиқариладиган завод қуриш ҳам қўзда тутилмоқда.

Лекин тармоқда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам кам эмас. Масалан, тилиги тилни ёридан ширин-шакар қовунларимизни ёз вақтида, яъни пишиган пайтда экспорт қилиш масаласини олиб қўрайлик. Агар бу иш амалга оширилса, унинг харидорлари ҳам топилиши ва у давлатимизга катта миқдорда валюта келтириши аниқ. Ахир, биздаги каби мазали қовунлар бошқа жойда битмайди-ку?! Ана шунга ўхшаш имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, четта жўнатилаётган маҳсулотлар ҳамини янада кўпайтириш мумкин.

Ҳосил ҚАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мақтаб учун Япония грантлари

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 60-ўрта умумтаълим мактабига Япония ҳукумати кичик ҳажмли лойиҳаларга беғараз ёрдами доирасида 50 минг АҚШ доллари миқдоридеги замонавий жиҳозлар топширилди.

Эндиликда замонавий ўқув анжомлари билан таъминланган синф хоналарида ўқувчиларнинг янада чуқур билим олишлари кенг имкониятлар яратилди.

«Туркистон-пресс».

Талабаларга «Камолот» стипендияси


Пойтахт вилоятининг Юқори-Чирчиқ тумани «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати хайрли ишга қўл урди. Тумандаги Қурилиш-иқтисод хунара коллежининг энг аълочи ва ташаббускор ўқувчилари учун стипендия жорий қилди. Эндиликда ушбу стипендия эгалари ҳар ойда танлов асосида аниқланади.

Мақсадимиз иқтисодий ёшларимизни қўллаб-қувватлаш, эзгуликлар сари рағбатлантиришдир, — дейди «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати туман бўлими раҳбари Латифжон Мансуров.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
ЎЗМУ талабаси.

«Баркамол авлод» иншоотлари

Маълумки, шу йилнинг май ойида Андижон шаҳрида «Баркамол авлод» республика спорт муСОБАқалари бўлиб ўтади. Айни кунларда ушбу спорт байрамига қизгин ҳозирлик кўрилмақда.



Жумладан, мавжуд спорт майдонлари таъмирланмоқда, янги-янги иншоотлар барпо этилмоқда. 900 ўринга мўлжалланган Олимпиада заҳиралари коллежи биноси — шулардан бири. Уни вилоят қурилиш ҳиссалорлик жамияти ва бошқа қурилиш ташкилотлари бунёдкорлари қурмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Андижон иқтисослашган механизация бошқармасининг автокранчиси Хайитбой Тиллаев янги коллеж биносини тиклашда фаол қатнашмоқда; иншоот кун сайин қад ростлаяпти.

Тоҳиржон
ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистонлик хусусий тадбиркорлар ўзларининг сармоя лойиҳалари ва бизнес режаларини тузиш борисида мамлакатимизда фаолият кўрсатётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари орасида ўтказилаётган энг яхши бизнес лойиҳа қўриғига иштирок этиши учун танлов бошланди. Танлов голбларини ЕТБнинг имтиёзли кредити билан бирга қимматбахо муқофотлар кутмоқда.

Пойтахтдаги «Шодик палас» мехмонхонасида ушбу танлов таъбиркорлари ва ҳамкорлари иштирокчида анжуман бўлиб ўтди.

Мақур «Энг яхши бизнес лойиҳа» қўриғи Европа тиклини ва тараққиёт банки (ЕТБ) ташаббус билан ўтказилмоқда. Унга Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Узсанотқурилишбанк», «Асақабанк», «Узай-жойкапартбанк» ва «Пахта-банк» ҳамкорлик қилапти.

Кўриққа Швейцария иқтисодий давлат қўмитаси ва «Узбекивест» миллий Экспорт-импорт сугурта компанияси ҳамкорлик қилмоқда. Таъбир жараёни SAIPRO компанияси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Танловдан мақсад Ўзбекистон ишбилармонларнинг стратегик режалаштириш ва эркин бозор шароитида рақобатлашиш қобилиятини намоиш этишидир. Таъбирда иштирокчи ўзини истаган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзларининг бизнес режаларини таъйрлаб, қўриб чиқиш учун номлари зикр этилган банкларга тақдим этиши керак.

Танлов март-апрель ойида ўтказилади. Апрель ойининг сунги ўн кунлигида аризалар ҳалқаро ҳаётат томонидан қўриб чиқилади. Фойдалар эса Европа тиклиниши ва тараққиёт

Дикқат, танлов!

порт-импорт сугурта компанияси турли сугурта полисларини бепул тақдим этади.

Европа тиклиниши ва тараққиёт банки Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда, — дейди ушбу ҳалқаро молия муассасасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Кенза Наказова. — Шу кунгача юртингиздаги шундай корхоналарнинг 70 дан ортиғи ЕТБдан кредит олиб, фаолият кўрсатмоқда. Мазкур танловимиз ҳам Ўзбекистондаги хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган. Биз таъйирлиги билан нафақат хусусий ишлаб чиқаришни, балки энг яхши бизнес лойиҳаларини ҳам қўллаб-қувватламоқчимиз. Бу шубҳасиз маҳаллий тадбиркорлар учун янги имконият.

Сайдмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида турли соҳаларда икки томонлама муносабатлар тобора ривожланмоқда. Бунга Британиянинг нуфузли олий таълим юрталаридан бири — Вестминстер университетининг таълим соҳасидаги самарали ҳамкорлигини мисол келтириш мумкин.

Британия олий таълим тизими стандартларига мувофиқ мутахассисларни тайёрловчи Халқаро Вестминстер университетининг 2001 йилда Тошкентда очилган икки томонлама муносабатларда янги босқич бўлди. Айни пайтда янги университетнинг 16 талабаси Лондонда иқтисодиёт, менежмент, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ мутахассислари бўйича таҳсил олмақдалар.

Тошкент ва Лондон Вестминстер университетлари

Талабаларимиз ва Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси ташаббус билан Вестминстер университетига мамлакатимизда тақдимоти бўлиб ўтди. Унда олий таълим юрти профессор ва ўқитувчилари, илмий донорлар вақиллари ва хоржий талабалар қатнашдилар.

Вестминстер университети ректори доктор Джеффри Колланд таъбирин очар экан, муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистон мустақам таълим тизимини яратганини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов ташаббус билан ишлаб чиқилган Қалдрар таъбирин миллий дастури мамлакатнинг илмий ва ақлий қудратини мустақамлаш, кучли иқтисодий ва демократик давлатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Таъбир иштирокчилари мамлакатимиз талабаларининг муस्ताқил Ўзбекистон тарихи ва ҳозирги кунини, унинг маданий обидларини ва диққатга сазовор жойларини, ўзбек халқининг миллий оdat ва анъаналарини бағишлаган тақдирини катта қизиқин билан мушоҳада этишдилар.

Бўлиб ўтган анжуман халқимиз маданияти ва удувлари, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти билан танишиш баробарида би давлатнинг бу даражада буюк интеллектуал салоҳият эгаси эканлигига қаноат ҳосил қилиш имконини яратди. Бунга биз Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ажойиб дастури «биринчи қадриятлар» бўлиши ўзбек талабалари мисолида кўрдик. Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим бўлган ушбу дастурда иштирок этишга мунарафат бўлганимиздан фахрланамиз, — деди Вестминстер университети ректори доктор Джеффри Колланд.

Мордон ЯКУБОВ,
«Жаҳон» АА,
Лондон.

БЕҲУДА СОВУРИЛАЁТГАН ВАЛЮТА

Яқинда бир дўконга кириб ул-бул харид қилмоқчи бўлидим. Дўкон пештаксидида маҳсулотлар сароб, фақат яхшисини, сифатлисини тайлар олсанг биз.

— Макаронингизнинг қайсини яхши? — сўрадим сотувчидан. Сотувчи чиройли қилиб салфатан қалтачага қалқоқланганини кўрсатди.

— Сал қимматроғу, лекин сифати зўр. Импортнинг. Сиз эфтоварларнинг сифатли бўлишига ўрганиб қолганми. Шунинг учун «импорт» деган сўзни эшитсангиз, дарров шунини сотиб олишга шошилсангиз. Мен ҳам дўкон эгасининг таъбирига кириб, ўша «импортний» макарондан бир килограмм, ўзимнинг макарондан ҳам бир килограмм сотиб олдим. Унга олиб келиб пишириб кўрсак, сифатида леярлик фарқ йўқ. Нарҳида эса... Четдан келтирилгани икки баравар қиммат.

Шу воқеадан сўнг ўйлашим қолдим. Нега энди шу олий макаронини ҳам четдан олиб келишимиз керак? Ахир, ўзимизнинг галламиз, ўзимиз бор-ку. Бундан ташқари, Ўзбекистонимизнинг жуда кўп жойларида бу маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

Уч-тўрт кун бурун газетада бир хабар ўқиб қолдим. Унда айтулишича, Бельгияда бўлиб ўтган кўрғазмада Хасрада Самарқандда ишлаб чиқариладиган шойидан тиккидан буюм намоиш қилинди. Бундан бир неча юз йиллар муқаддам, кўплар ҳали қоғоз нима эканлигини билмаганда аждоқларимиз дунёга қоғоз сотган. Шундай экан, бугун олий макаронини четдан келтиришимиз уят эмасми?

Хорж маҳсулоти истаёйсизми-йўқми, албатта, қиммат бўлади. Сабаби уни етказиб келишимиз ўзи осонмас. Бунинг устига, унга

валюта сарфлаш керак. Бизнинг айрим ишбилармонларимиз негизин четдан таъбир маҳсулот олиб келиб сотишни хуш кўришади. Аслида кетган ҳарajatта бемадлол ўша маҳсулотни ишлаб чиқариладиган дастхўр ёки мини завод сотиб олса ҳам бўлади.

Бундан беш-ўн йил бурун юртингизда қўллаб-қувватлаш ва тивувчилик корхоналари бор эди. Уша корхоналарда минглаб одамлар меҳнат қиларди. Ишлаб чиқарган маҳсулотларининг сифати ҳам у даражада паст эмасди. Ҳарқалай, бугун бозорларимизни тўлдирган, ишлаб чиқариладиган жойининг табиий йўқ, контрабанда йўли билан кириб келган, сертификатсиз маҳсулотлардан анча дурет эди. Лекин кейинги йилларда бу корхоналаримизнинг маҳсулотлари қўримай қолди. Нега? Ахир уларда етарли

Муस्ताқиллик эълон қилинган йил ва кун кўпмиллатли халқимиз ҳаётида тенги йўқ кутлуг сана ҳисобланади. Шу тарихий санадан бошлаб, янги муस्ताқил миллий ва замонавий давлатчиликни шакллантириш, унинг миллий тараққиёт стратегиясини белгилаш вазифаси қўндалик бўлди.

Маълумки, у ёки бу давлатнинг умумжаҳон тизимидега эгаллаб турган мавқеини белгилаш учун кўп йиллар мобайнида ўша мамлакатнинг аҳолиси, ҳарбий имконияти, иқтисодий инфратузилмаси ва алоқа воситалари ҳамда географик жойлашиши ҳисобга олинган. XXI асрга келиб ер юзидега шунчалик улкан сиқишлар содир бўлдики, эндиликда, бу тўртта кўрсаткич давлатнинг жаҳон сийбатида тугган ўрнини белгилашда бирдан-бир асос бўлмай қолди.

МУСТАҚИЛЛИКНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Ер кўрриси бугун ҳар доимидан кўра мураккаб ва таҳдидлидир. Шу боис бундай пайтда дунёда ўз ўрнини белгилаш йўлида бекум кўст иш олиб бориш зарур. Агар муस्ताқилликнинг дастлабки пайтларини кўз ўнгимизда келтирсак, бу мураккаб даврда ўз ўрнинини аниқ белгилаш жараёнида баъзан ноаниқликлар билан тўқнаш келган пайтлар ҳам бўлди. Бу табиий. Аммо кейинги тараққиёт йилларида Ўзбекистон ўз манфаатлари хавфсизлигини таъминлаш борисида зарур ҳуқуқларни қўриқиб ва улкан марраларни қўлга киритишга эришти. Бу ўз навбатида халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширди.

ОҒОҲЛИК

Ўзбекистон таърибаси шунинг кўрсатдики, у ёки бу муस्ताқил давлатнинг жаҳон сийбати майдонини ўзининг бошқа биров белгилай беримайди. Бу йўлда жиддий муаммоларга эътиборини қаратган ва пайдо бўлган барча саволларга жавоб топган ҳолда дунё воқеаларининг шиддатли ўзгаришларига давлатнинг ўзи ҳар доим таъйр туриши керак.

Бундан ташқари, у ёки бу давлатнинг истиқболда қандай бўлишини асосан икки жиҳат: биринчиси, албатта, ўзининг сиёсий ҳаракати, сафарбарлик қобилияти ва иқтисодий, жаҳондаги сиёсий жараёнлар қандай тус олишига боғлиқлиги тарихда кўп мартаба исботланган. Шу боис, муस्ताқил Ўзбекистон бугунги кунда жамият ичидаги масалаларга таъйирли эътибор қаратиш билан бирга, дунё барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини мустақамлаш ишда фаол иштирок этмоқда. Зеро, жаҳон сийбати субъекти сифатида Ўзбекистоннинг ўрни ва нуфузи қандай бўлиши, хусусан, юқорида зикр этилган масалаларнинг ечимига боғлиқдир.

Тўғри, хавфсизликни таъминлаш нўқат назарини Ўзбекистон учун барча минтақалардаги сиёсий-ҳарбий вазият бир хил аҳамиятга, яъни дунёдаги барча давлатлар билан қандай муносабат ўрнатилишига боғлиқ. Зотан, ҳамкорлик ва хавфсизлик ҳал-ҳудудлидир. Аммо бу вазият ён қўшни, тарихан бир-бирига ҳамбарчас боғлиқ давлатлар билан алоқаларнинг устуворлик касб этишига халал бермайди.

Марказий Осиё бошқа қўллаб-қувватлашдан фарқ қилиб, ўзаро хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашда анчагина кўлай имкониятларга эга. Минтақада минг йиллардан бун турмуш тарзи ва ҳужалик юритиш услублари, тарихий-сиёсий кемиши ҳамда диний ва бошқа соҳаларда бир-бирига жуда яқин халқлар, миллатлар истиқомат қилиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш борисидега қўшимча имкониятларни янгида келтиради. Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари хавфсизлигини таъминлаш жараёнида ана шу муҳим омилни минтақа хавфсизлигини мустақамлаш йўлида ишлата билиши бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда.

Яна муҳим бир масала. Айрим пайтларда, хавфсизликни таъминлаш иқтисодий, яъни олий инсоний муносабатлар доирасида чуқур ҳис этилишини кузатишимиз. Бу табиий. Назаримизда, Марказий Осиё давлатлари даражасида бу муҳим жиддий ечимини топишда. Терроризм, нарқоғрессия, диний экстремизм, сепаратизм, ядровий ҳаф ва бошқа муаммоларини барча давлатларнинг бир хил ҳис этишга қўриқилиши жараёнида муқаддас ҳуқуқларимизнинг янада чуқурлашуви имкониятлар яратмоқда. 2001 йилда минтақа ва биринчи навбатда мамлакатимиз хавфсизлиги учун ул-

асида сўзлаган нўқтида аксини топан мамлакат ривожининг устувор йўналишлари тизимига эътибор берилган бўлсак, улар муस्ताқилликни асраш орқали унинг умрбўқиллигини таъминлашга қаратилганлиги кўринадди. Зеро, иқтисодий соҳаларни эркинлаштириш бўладиган ёки жамият, давлат ва ҳар бир одамга осойишталиги ва инсон равақи муаммоси бўладиган, барчаси мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлиги масаласига тақалда. Шундай экан, Президентимизнинг янги устувор йўналишларини бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда хавфсизликка солинаётган таҳдид ва ҳуруқларга нисбатан билимнинг жавобимиз, деб қабул қилмоқ керак, деган фикрларида улкан ҳаққат этилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик таъбир сийбати ва миллий хавфсизлик концепцияси орқали нафақат минтақа, балки бугун дунёда хавфсизлик иқтисоди иқтисодий таъбир сийбатида таъбир қилинган таҳдид ва ҳуруқларга нисбатан билимнинг жавобимиз, деб қабул қилмоқ керак, деган фикрларида улкан ҳаққат этилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик таъбир сийбати ва миллий хавфсизлик концепцияси орқали нафақат минтақа, балки бугун дунёда хавфсизлик иқтисоди иқтисодий таъбир сийбатида таъбир қилинган таҳдид ва ҳуруқларга нисбатан билимнинг жавобимиз, деб қабул қилмоқ керак, деган фикрларида улкан ҳаққат этилади.

Шунингдек, хавф-хатарларнинг дунё бўйлаб тобора охиб бориши ёки кенг тарқалиши, кўпчилик пайтларда уларнинг кўпчилигида пайдо бўлиши ва қолверса, одамзот умрғузроқлигининг мураккаблашиб бориши билан боғлиқ хавфли тенденцияларни англаш бизга айрим амалий тақдир-тасвирларни илгари сурин имконини беради. Улар қуйидагилар:

— Марказий Осиёнинг халқаро сийбати субъектлар учун геосийбати рақобат майдонига айланганини олдини олиш. Мамлакатимиз Президентининг бу долзарб масалга оид жиддий амалий ташаббусларини айнан шу нўқат назардан юксак баҳолаш жоиз;

— тобора зўрайиб бораётган ноанъанавий, батамом янги хавф-хатарлар ва таҳдидларни жиддий сарҳисоб қилиш, яъни уларнинг «мақомни» та, четарасига халқаро ҳуқуқ нўқат назардан аниқлик киритиш, айнан баҳолашга қаратилган илмий-амалий ва сиёсий чора-таъбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вақти келиди деб ҳисоблашимиз;

— халқаро, минтақавий ва ҳудудий хавфсизликка путур етказётган иқтисодий муаммоларни чуқур ўрганиш, уларни енгиш ва бартараф этиш билан боғлиқ долзарб масалалар дунё барқарорлиги ва хавфсизлиги учун масулу муассасаларнинг кўп тартибга киритилишини вақт келиди деб ҳисоблашимиз;

— бугун таҳдидлар, хавф-хатарлар ва инсон фаолияти билан боғлиқ нўфурин тенденциялар шу даражада ғўриллики, эндиликда, уларни бартараф қилишга аниқлашга устуворлик ва халқаро тузулмаларнинг қўриб етмайди. Бугун дунёда ўз миллий хавфсизлигини ёлғиз ўзи таъминлай оладиган бирон бир давлат ёки ҳарбий-сиёсий гуруҳ йўқ.

Ш. ПАХРУДИНОВ,
сийбати фанлар доктори.

Мордон ЯКУБОВ,
«Жаҳон» АА,
Лондон.

Аскар кимга ўхшайди?

Таклифимни эшитиб зенитчи-ракеткачилар дивизиони командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Муҳаммад Шерматов бир оз ажабланади.

— Қандок бўларкин?
— Қандек бўлади, мана кўрасиз. Бу тажриба ёш аскарларнинг руҳиятини яхшироқ ўрганишда сизга қўл келишига ишонаман, — дея уни яна қизиқтиришга ҳаракат қилди.

Сухбатдошим соатига қаради.
— Навбатдаги машғулот тугай деб қолди. Юринг бўлмаса, ижтимоий-сиёсий ахборот қонасига борайлик.

Гуруҳ раҳбари лейтенант Қамбарали Азизов ва аскарлар билан саломлашув, қисқача танишувдан сўнг сивомларни бошлаб юбордик. Еш аскарлар жой-жойига ўтириб

Мардлар кўриқлайди Ватанни

олиб, бир варақ қозога исми, фамилияси ва маълумотини ёзишга, асосий мақсадга ўтдик.

— Сизларга иккита саволимиз бор. Саволлар жуда оддий. Биринчиси, «аскар» сўзига сиз қандай таъриф берган бўлардингиз? Изоҳ учун сўздан ошмаслиги керак. Иккинчи савол: аскарни, ҳарбийни нимага ўхшатиш мумкин? Иложи борича шаклни — рамзинг чизинг. Фақат битта шарт — бир-бировдан кўчириш, маслаҳатлашиш йўқ.

Айтганимдек, «галати» синонимиз бирорта аскарни ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Боғина қошларини чимириб, ажабланиб ўтирганлар ҳам дарҳол иштиёқ билан қозғ қоралашга тушдилар.

«Ана, кўрдингизми», дегандай капитанга имо қиламан. У ҳам мамнун қиёфада бош қимирлатади. Хуллас 10—15 дақиқадан сўнг аскарлардан варақларни йиғиштириб олдик. Жавобларни катта қизиқиш билан таққослаб, таҳлил эта бошладик. Натижалар ёмон эмас.

